

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 116-ҳадис

116 – السَّابِعُ عَشَرَ: عَنْ سَعِيدِ بْنِ عَبْدِ الْعَزِيزِ، عَنْ رَبِيعَةَ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ أَبِي إِدْرِيسَ الْخَوْلَانِيِّ، عَنْ

أَبِي ذَرِّ جُنْدُبِ بْنِ جُنَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيمَا رَوَى عَنِ اللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى أَنَّهُ قَالَ: «يَا عِبَادِي؛ إِنِّي حَرَمْتُ الظُّلْمَ عَلَى نَفْسِي، وَجَعَلْتُهُ بَيْنَكُمْ مُحَرَّمًا فَلَا تَظَالَمُوا.

يَا عِبَادِي؛ كُلُّكُمْ ضَالٌّ إِلَّا مَنْ هَدَيْتُهُ، فَاسْتَهِدُونِي أَهْدِكُمْ.

يَا عِبَادِي؛ كُلُّكُمْ جَائِعٌ إِلَّا مَنْ أَطْعَمْتُهُ، فَاسْتَطْعِمُونِي أُطْعِمَكُم.

يَا عِبَادِي؛ كُلُّكُمْ عَارٍ إِلَّا مَنْ كَسَوْتُهُ، فَاسْتَكْسُونِي أَكْسِكُمْ.

يَا عِبَادِي؛ إِنَّكُمْ مُخْطِئُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ، وَأَنَا أَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا، فَاسْتَغْفِرُونِي أَغْفِرْ لَكُمْ.

يَا عِبَادِي؛ إِنَّكُمْ لَنْ تَبْلُغُوا ضَرْبِي فَتَضْرُبُونِي، وَلَنْ تَبْلُغُوا تَفْعِي فَتَنْفَعُونِي.

يَا عِبَادِي؛ لَوْ أَنَّ أَوْلَاكُمْ وَأَخْيَكُمْ، وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ كَانُوا عَلَى أَنْفِي قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مِنْكُمْ مَا زَادَ ذَلِكَ فِي مُلْكِي شَيْئًا.

يَا عِبَادِي؛ لَوْ أَنَّ أَوْلَاكُمْ وَأَخْيَكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجِنَّكُمْ كَانُوا عَلَى أَفْجَرِ قَلْبِ رَجُلٍ وَاحِدٍ مَا نَقَصَ ذَلِكَ مِنْ مُلْكِي شَيْئًا.

يَا عِبَادِي؛ لَوْ أَنَّ أَوْلَكُمْ وَأَخْرُكُمْ وَإِنْسَكُمْ وَجَنَّتْكُمْ قَامُوا فِي صَعِيدٍ وَاحِدٍ، فَسَأَلُونِي فَأَعْطَيْتُ كُلَّ إِنْسَانٍ مَسْأَلَتَهُ، مَا تَقَصَّ ذَلِكَ بِمَا عِنْدِي إِلَّا كَمَا يَنْقُصُ الْمَحِيطُ إِذَا أُدْخِلَ الْبَحْرَ.

يَا عِبَادِي؛ إِنَّمَا هِيَ أَعْمَالُكُمْ أُخْصِيهَا لَكُمْ، ثُمَّ أُوْفِّيْكُمْ بِهَا، فَمَنْ وَجَدَ حَيْرًا فَلْيُحْمَدِ اللَّهَ، وَمَنْ وَجَدَ غَيْرَ ذَلِكَ فَلَا يُلُومَنَّ إِلَّا نَفْسَهُ». قَالَ سَعِيدٌ: كَانَ أَبُو إِدْرِيسَ إِذَا حَدَّثَ بِهَذَا الْحَدِيثِ جَثًّا عَلَى كُتَيْبِيهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

وَرَوَيْنَا عَنِ الْإِمَامِ أَحْمَدَ بْنِ حَنْبَلٍ رَحِمَهُ اللَّهُ قَالَ: لَيْسَ لِأَهْلِ الشَّامِ حَدِيثٌ أَشْرَفُ مِنْ هَذَا الْحَدِيثِ.

116. Саъид ибн Абдулазиз Рабийъа ибн Язиддан, у Абу Идрис Хувлонийдан, у Абу Зарр Жундуб ибн Жунода розияллоху анхудан ривоят қилдилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳ таборак ва таолонинг шундай деганини айтиб бердилар:

**«Эй бандаларим, Мен Ўзимга зулмни ҳаром қилдим. Уни сизларнинг ўртангизда ҳам ҳаром қилдим, бас, бир-бирингизга зулм қилманглар!**

**Эй бандаларим, Мен ҳидоят қилганлардан бошқа барчангиз залолатдасиз, бас, Мендан ҳидоят сўранглар, сизларни ҳидоят қиламан.**

**Эй бандаларим, Мен таом берганлардан бошқа барчангиз очсиз, бас, Мендан таом сўранглар, сизларга таом бераман.**

**Эй бандаларим, Мен кийинтирганлардан бошқа барчангиз яланғочсиз, бас, Мендан кийим сўранг, сизларни кийинтираман.**

**Эй бандаларим, сизлар кечаю-кундуз гуноҳ қиласизлар, Мен эса барча гуноҳларни мағфират қиламан. Мендан мағфират сўранглар, сизларни мағфират қиламан!**

**Эй бандаларим, сизлар Менга зарар етказишга асло қодир бўла**

**олмайсизки, зарар етказсангиз. Менга фойда келтиришга ҳам асло қодир бўла олмайсизки, фойда келтирсангиз.**

**Эй бандаларим, сизларнинг аввалгию охиргиларингиз, инсужинларингиз орангиздаги қалби энг тақволи кишидек бўлса ҳам, бу нарса Менинг мулкимда ҳеч нарсани зиёда қилмайди.**

**Эй бандаларим, сизларнинг аввалгию охиргиларингиз, инсужинларингиз қалби энг фисқу фужурга тўлган кишидек бўлса ҳам, бу нарса Менинг мулкимдан ҳеч нарсани камайтирмайди.**

**Эй бандаларим, сизларнинг аввалгию охиргиларингиз, инсужинларингиз бир жойда туриб, Мендан сўрашсаю, мен ҳар бир инсонга сўраган нарсасини берсам ҳам, бу нарса Менинг ҳузуримдаги нарсани денгизга ботириб олинган игна камайтирганчалик камайтиради, холос.**

**Эй бандаларим, бу амалларингизни (номаи аъмолингизга) ёзиб қўяман, сўнг уларни сизларга тўлиқ қайтариб бераман. Ким (номаи аъмолида) яхшилиқ топса, Аллоҳга ҳамд айтсин, ким бундан бошқа нарса топса, фақат ўзинигина маломат қилсин!».**

(Ровий) Саъид айтади: «Абу Идрис қачон шу ҳадисни сўзлаб берса, чўккалаб олар эди».

*Имом Муслим ривояти.*

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал роҳимаҳуллоҳ: «Шом аҳлига мана шу ҳадисдан кўра шарафлироқ ҳадис йўқдир», деб айтганлар.

**Шарҳ:** Мазкур ҳадиси қудсий Исломнинг улкан асослари, фарълари ва одобларига тааллуқли муҳим қоидаларни ўз ичига олган улуғ ривоятлардан саналади. Нававий “Азкор” номли асарларида қуйидагиларни ёзадилар: “Ушбу ҳадиси қудсийни Абу Зар Ғифорий разияллоҳу анҳудан ривоят қилган шахс - Абу Идрис Хавалоний мазкур ҳадисни айтар чоғида унинг улуғлигини таъкидлаш учун тиз чўкиб олар эдилар”.

Ҳадиси қудсийни ривоят қилган кишилар - дамашқлик ровийлар. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал айтадилар: “Шом аҳли учун бундан-да шарафлироқ ҳадис йўқдир”.

## **1. Ҳадиси қудсий таърифи**

Ҳадиси қудсий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолодан қилган ривоятларидир. Ҳадиси қудсий баъзан Жаброил алайҳиссалом орқали, баъзан эса ваҳий, илоҳий илҳом ёки туш воситасида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етказилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз сўзлари билан асҳобларига сўзлаб берганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Парвардигордан ривоят қилишлари, яъни ҳадиснинг ўзига хос санади уни бошқа ҳадислардан фарқлаб туради. Шу боис, аксарият ҳолларда ҳадиси қудсий Аллоҳ таолога нисбат берилади.

Қуръони карим билан ҳадиси қудсий қуйидаги жиҳатлар билан бир-биридан фарқланади:

Қуръони каримнинг лафзи ҳам, маъноси ҳам мўъжиза. Аммо ҳадиси қудсий ожиз қолдириш хусусиятига эга эмас.

Қуръон оятлари намозда ўқилади. Ҳадиси қудсий эса ўқилмайди.

Қуръонни инкор қилган кимса кофир бўлади. Ҳадиси қудсийни инкор қилувчи эса фосиқ бўлади.

Қуръони каримнинг лафзи ҳам, маъноси ҳам Аллоҳдан. Ҳадиси қудсийнинг лафзи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларидан ташкил топган, маъноси эса Аллоҳ тарафидан ваҳий қилинган.

Қуръони каримнинг маъносини ривоят қилиб бўлмайди. Ҳадиси қудсий маъносини ривоят қилиш мумкин.

Қуръони каримни нопок ҳолда ўқиш мумкин эмас. Ҳадиси қудсийни ўқиш ёки ушлаш учун таҳорат шарт қилинмайди.

Жунуб одам Қуръонни ўқиши ёки кўтариб юриши мумкин эмас. Ҳадиси қудсийни жунуб одам ҳам кўтариб ёки ўқиб юраверади.

Қуръони каримдан бир ҳарф ўқиган кимсага ўн ҳасанот ёзилади. Ҳадиси қудсий ўқишга бундай ажр-мукофот белгиланмаган.

Ҳадиси қудсийни илоҳий ҳадислар деб ҳам аташади. Уларнинг сони юзтадан кўпроқ.

## **2. Аллоҳ зулмни Ўзига ҳаром қилди.**

Аллоҳ таолонинг зулмни ўзига ҳаром қилганига мазкур ҳадис очиқ далилдир: **“Мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим”**.

Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилган: **“Мен бандаларга зулм қилувчи эмасман”**. (Қоф сураси, 29-оят); **“Албатта Аллоҳ инсонларга асло зулм қилмайди”**. (Юнус сураси, 44-оят); **“Албатта Аллоҳ зарра миқдоричалик зулм қилмас”**. (Нисо сураси, 40-оят).

### 3. Зулм бандалар учун ҳам ҳаромдир.

Аллоҳ таоло бандаларни бир-бирларига зулм қилишдан қайтарди. Зеро, зулмнинг ҳар қандай кўриниши ҳаромдир.

Зулм икки хил бўлади:

#### 1. Ўзига зулм қилиш.

Мазкур зулмнинг энг даҳшатлиси Аллоҳ таолога ширк келтирмоқдир. **“Албатта ширк энг катта зулмдир”**. (Луқмон сураси, 13-оят).

Чунки мушрик ҳар қандай шерикдан пок Аллоҳга бир махлуқни тенглаштириб, уни холиқ даражасига кўтарди.

Катта-кичик гуноҳлар ширкдан кейин турадиган зулм саналади. Банда гуноҳ-маъсиятга қўл уриши билан ўзини дунёю Охираат бадбахтлигига гирифтор қилади ва бу нафсга нисбатан очиқ зулмдир.

#### 2. Инсоннинг бошқа бировга зулм ўтказиши.

Ушбу зулмнинг ҳаромлиги ҳақида бир қанча ҳадисларни келтириб ўтиш мумкин. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳудан ривоят: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Зулм Қиёмат кунида зулматларга айланади”**. (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари);

Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Аллоҳ таоло золимни маълум вақт қўйиб қўяди. Охири (бир куни) уни (азоб билан) ушлаганида, асло қутулиб кета олмайди”**. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги оятни ўқидилар: **“Парвардигорингиз (аҳли-эгалари) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши-азоби аламли ва қаттиқдир”**. (Ҳуд сураси, 102-оят); (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Одамлар орасида адолат ўрнатиш ва зулм-зўравонликларга бутунлай барҳам бериш, шак-шубҳасиз, Исломнинг энг олий мақсадларидандир. Чунки адолат ҳар қандай бошқарув тизими ёки цивилизация учун тамал тоши вазифасини ўтайди. Бинобарин, жавр-зулм халқларнинг тинқасини қуритиш,

жамиятни остин-устин қилиш, ҳаёти дунёни заҳар-заққумга айлантириб, Охиратда Аллоҳ таоло ғазабини олиб келишнинг асосий сабабчиларидан ҳисобланади.

#### **4. Аллоҳ азза ва жаллага муҳтожлик.**

Бутун махлуқот дунёю Охиратда ўзларига фойда-манфаат касб этиш ва зарар-зиённи даф қилишлари учун Аллоҳ таолога муҳтождирлар. Улар ҳаёти дунёда Кариму Раҳмоннинг ҳидояти ва ризқ-насибасига қарам бўлсалар, Охиратда У Зотнинг раҳмату мағфиратига жуда-жуда муҳтождирлар.

Мусулмон ўзининг фақирлигию муҳтожлигини Парвардигорига арз этиш орқали Аллоҳ таолога яқинлашади.

Банданинг Аллоҳга бўлган ҳақиқий қуллиги қуйидаги уч суратнинг бирида акс этади:

**Сўрамоқ.** Аллоҳ таоло бандаларнинг ўз муҳтожликларини изҳор этиб, Унга ёлворишларини хуш кўради. Емоқ, ичмоқ, киймоқ каби моддий эҳтиёжлар ҳам, ҳидоят, мағфират каби маънавий эҳтиёжлар ҳам Ёлғиз Аллоҳдан сўралади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Ҳар бирингиз барча ҳожатини, хатто оёқ кийимининг боғичи узилиб кетса, уни ҳам Парвардигоридан сўрасин”.**

**Ҳидоят талабида илтижо қилиш.**

**Аллоҳ таолонинг буйруқларига тўлиқ бўйсунуш.** Яъни шариат буюрган ишларни тўлиқ адо этиб, қайтарган-мункар амаллардан ўзини пок тутиш.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
HUBUVVAT MARVARIDLARI

